

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

МУНДАРИЖА

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Оқбоев, Н.Муталлиев

Параболо-гиперболик тенглама учун Трикоми масаласи.....6

КИМЁ

И.Аскаров, А.Хаджикулов

Хурмо экстрактларининг антиоксидантлик хусусиятларини ўрганиш.....10

А.Ибрагимов, Т.Амирова, А.Иброхимов

Матоларни кимёвий таркибига кўра сертификатлаш ва таснифлашга доир.....15

И.Аскаров, М.Ҳожиматов, Ф.Абдугаппаров

М-ферроценилбензой кислотасининг метилолдитиомочевина билан реакциясини ўрганиш.....19

М.Акбарова

Синтетик кир ювиш воситаларининг кимёвий таркиби ва атроф муҳитга таъсири.....24

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

А.Гадоев, Х.Комилова, Г.Гадоева

Қува туманида уй ҳайвонларининг саркоспоридийлар билан заарланиши.....29

Ижтимоий-туманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

З.Таджибаев

Рақамли иқтисодиёт нима?32

ТАРИХ

А.Азизов

Замонавий этнологик тадқиқотларда ҳайвонот олами билан боғлиқ қарашларнинг назарий-методологик талқини37

З.Рахманов, Р.Муродалиев

Фарона вилояти худудидаги мозор-қўрғонларни ўрганиш бўйича янги тадқиқот.....43

Ж.Адилов

Александр Бекович-Черкасский Хивага юришининг тарихи тарихий-географик тадқиқотлар контексти жиҳатидан.....50

Ж.Тоғаев

Тарихий реконструкция масаласига доир баъзи мулоҳазалар.....55

Қ.Пўлатов

XX асрнинг 20-50-йилларида ўзбек театр ва кино санъати мафқуравий тарғибот қуроли сифатида61

М.Тухтаева

Мусулмон ренессанси даврида Марказий Осиёда ҳунармандчилик (IX-XIIасрлар)....65

Б.Аббасов

Ўзбекистон ССРнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги иқтисодий ривожланишида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни.....70

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.Рахимов

Бадий тил ва ижодкор маҳорати.....75

ТАРИХ

УДК: 9(58):798.1:008(09)(1920-1956йй)(584.4)

ХХ АСРНИНГ 20-50-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ТЕАТР ВА КИНО САНЪАТИ МАФКУРАВИЙ
ТАРГИБОТ ҚУРОЛИ СИФАТИДА

УЗБЕКСКИЙ ТЕАТР И КИНО КАК ОРУЖИЕ ИДЕОЛОГИЧЕСКОЙ ПРОПАГАНДЫ В
20-50-е ГОДЫ XX ВЕКА

UZBEK THEATER AND CINEMA AS A WEAPON OF IDEOLOGICAL PROPAGANDA IN
20-50-IES OF XX CENTURY

Қ.Пўлатов¹

¹ Қ.Пўлатов

— Фарғона давлат университети мустақил тадқиқотчиси.

Аннотация

Мақолада сабиқ советлар ҳокимияти даврида амалга оширилган «маданий инқилоб» сиёсатининг кино ва театр соҳасига бўлган таъсири, совет давлатининг маданиятни мафкуралаштириш сиёсати ва уни амалга ошириш борасидаги ҳаракатларининг миллий маданиятда намоён бўлиши, кино ва театр соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини совет мафкураси томонидан жорий этиши жараёни тадқиқ этилган.

Annotation

В статье исследуется влияние политики "культурной революции", осуществленной в период правления бывшей советской власти на сферу кино и театра, политика идеологизации культуры советского государства и отражение его усилий по ее реализации в национальной культуре, процесс внедрения советской идеологией системы подготовки кадров для кино и театра.

Annotation

In the article, the impact of "Cultural Revolution" policy, which was carried out during the reign of the former Soviet power, on the sphere of cinema and theater, the policy of the Soviet state on the ideology of culture and its manifestation in the national culture of its actions towards its implementation, the introduction of the personnel training system for the cinema and theater industry by the Soviet ideology was studied.

Таянч сўз ва иборалар: совет ҳокимияти, маданият, театр, кино, маданий инқилоб, мафкура, коммунистик мафкура, миллий маданият, тарғибот, ташвиқот.

Ключевые слова и выражения: советская власть, культура, театр, кино, культурная революция, идеология, коммунистическая идеология, национальная культура, пропаганда, агитация

Keywords and expression: Soviet power, culture, theater, cinema, Cultural Revolution, ideology, communist ideology, national culture, propaganda.

ХХ аср совет давлати ва унинг таркибида бўлган Марказий Осиё давлатлари тарихини ўрганиш, хусусан, Ўзбекистоннинг мустабид совет тузуми шароитидаги миллий масала, маданият, кино ва театр санъати муаммоларига доир илмий изланишлар дунёning етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда. Уларда, жумладан, совет давлати ҳукмронлиги йилларида Ўрта Осиё давлатлари маданий ҳаёти, кино ва театр санъатининг шаклланиши ва ривожланиши, унга коммунистик мафкуранинг таъсири, хусусан, ўзбек халқи маданий ҳаётидаги трансформация жараёнларига доир бир қатор устувор йўналишлар ўрганилмоқда.

ХХ асрнинг биринчи чорагида совет давлатининг маданиятга муносабати жамият ҳаётининг барча кўринишлари, хусусан, кино

ва театр соҳасида ҳам ўз аксини топди. Асрлар давомида мавжуд бўлган миллий, диний қадриятлар, урф-одат, анъаналар ва байрамлар бекор қилинди, улар ўрнига пролетар [1,294] номи остидаги совет қадриятлари зўравонлик билан жорий этилди. Социалистик маданият ўз табиати ва мазмунига кўра тоталитар хусусиятга эга бўлиб, унда асосий эътибор ҳукмрон коммунистик партия ва совет давлати манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилди. 1946-1948 йилларда ВКП (б) МҚ нинг адабиёт ва санъат бўйича бир қатор қарорлари чиқди: 1946 йил 14 августда «Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақида» [2,165], 1946 йил 26 августда «Драматик театрларнинг репертуари ва уни яхшилаш тадбирлари ҳақида», 1948 йил 10 февралда «В.Мураделининг «Великая дружба» («Буюк

дүстлик») операси ҳақида», 1948 йил 11 сентябрда «Крокодил» журнали ҳақида» [3,261]ги ва бошқа қарорларда А.Ахматова, М.Зощенко, В.Мурадели кабиларнинг асарлари ғоясиз, буржуа мафкурасини тарғиб қилувчи асарлар сифатида қораланди. Мазкур қарорлар маданият борасидаги советларга хос зўравонликларнинг аниқ мисоли эди. Уларнинг бир тўпламда нашр этилиши маданият соҳасига «дастуруламал» бўлиб хизмат қилишини таъминларди. Чунки уларда ҳалқнинг тафаккурига тез таъсир кўрсата оладиган ва унга энг яқин бўлган маданиятнинг муҳим тармоқлари – адабиёт, шеърият, театр, кино ва опера санъатлари мафкуравий исканжага олинди [4,139].

Совет ҳокимиюти ўрнатилиши, республика, хусусан, унинг пойтахти Тошкентда театр соҳасининг кенг жонланиши ва жамоатчиликнинг санъатга қизиқишини мустаҳкамлаш учун керакли шароит вужудга келтиришни ҳам тақозо этди. Натижада ўзбек театри учун бинолар мусодара қилиниб, театр учун мослаб берилди, маҳсус ёзги бино қуриш ишлари ҳам муҳокама қилинди. 1919 йил апрель ойида Тошкент Эски шаҳар ижроия қўмитаси республика ҳукуматининг топшириғига биноан «Турон» жамияти маданий-маърифий секцияси билан биргалиқда лойиҳа ишларини тугаллайди ва Маориф Ҳалқ Комиссарлиги 1919 йил 6 майдаги коллегиясида бинони давлат маблағи ҳисобига қуриш юзасидан қарор қабул қиласди. Янги иқтисодий ислоҳотлар даври, мамлакатдаги давлат тўнтаришининг оқибатлари яқол кўриниб турса-да, Маориф Ҳалқ Комиссарлигининг 1919 йил 6 декабрь куни бўлиб ўтган коллегиясида Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида «катта театр» барпо этиш юзасидан қарор қабул қилиниб, бу борада тегишли ишлар бошлаб юборилди [5,51].

Совет давлатида саҳна асарларига содир бўлаётган воқеа-ходисаларни кенг ҳалқ оммаси онгига сингдирувчи восита сифатида қаралди. Театрларда қўйиладиган асарлар тўлиқ маънода тарғибот-ташвиқот ролини ўйнади. Масалан, Ўзбекистонда ерсув ислоҳоти даврида совет давлатининг аграр сиёсати моҳиятини кенг ҳалқ оммасига тушунтириш учун ўша даврда «Агитсуд» лар ҳам ташкил этилди. «Агитсуд» бадиий ҳаваскорлик тўгарагидан иборат кичик театрлаштирилган жамоа бўлиб, унинг

иштирокчилари одатда оддий ҳалқ ичидан чиқсан, бойларга нисбатан «нафрати» кучли бўлган камбағал дехқонлардан ташкил топган. «Агитсуд» да ўз ерини совет давлатидан яшириб қолишга уринган ер-мулк эгаси камбағал суд иштирокчилари томонидан суд қилинган [6,81-86]. Мана шундай труппалардан яна «Кўк кўйлак» труппалари ҳам кенг ёйилган эди. Бу труппалар ҳам совет мафкураси билан сурорилган асарлар яратишида фаоллик кўрсатди [7,21].

Умуман, Ўзбекистонда театр санъати Марказ театрларидан андоза олиб, компартиянинг кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, асосий эътиборни театрнинг бадиий-эстетик дидини шакллантириш вазифасига эмас, балки ундан мафкуравий-сиёсий мақсадда фойдаланиш масаласига қаратди. Айни пайтда билим ва маҳоратга эга бўлган миллий театр труппаси жамоалари ва уларга бефарқ бўлмаган миллий зиёлилар театр хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини матбуот орқали ҳалқа етказишига ҳаракат қилдилар. XX аср бошларига келиб шаклланиб бўлган миллий зиёлилар ҳалқнинг маданий савиясини юксалтириш, уни ижтимоий тузумни тушуниб этиш даражасига олиб чиқиши мақсадида маориф соҳасидаги ислоҳотлар билан бирга, санъат соҳасида ҳам ҳаракат бошладилар. Улар турли саҳна асарларини қўйиш билан бирга тобора ҳалқ оммаси ичига кириб бордилар.

XX аср биринчи чорагида совет давлати мафкуравий тизимининг яратилиши ва у орқали аҳолига сиёсий-мафкуравий таъсир ҳамда тазиик ўтказиши механизми ишлаб чиқилиши янги турдаги мактаб, оммавий ахборот воситалари, маданий оқартув муассасалари, тарғибот ва ташвиқот тизимини яратиш ва шакллантириш билан биргалиқда амалга оширилганлиги боис, 1930 йилларнинг ўрталарига келиб, энг оммавий ва муҳим соҳага айланиб ултурган кино санъатидан икки муҳим вазифани бажариш талаб этилди [8,103-104]. Булардан биринчиси, мамлакатда қурилаётган янги социалистик жамиятга мос, марксча-ленинчча мафкурани тарғиб этишга йўналтирилган, иккинчиси эса, социалистик қурилишни, иқтисодий соҳадаги янгиликларни омма орасида ёйишга қаратилган асарлар яратиш вазифаси эди. Масалан, биргина ака-ука Георгий ва Сергей Васильевлар яратган

ТАРИХ

«Чапаев» фильмини 1935 йилнинг бир неча ойи ичида Ўзбекистоннинг шаҳар, қишлоқларида икки миллион томошабин кўришга улгурди [9,31].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ватанни фашист босқинчиларидан ҳимоя қилиш истагида театр ва кино санъати фидойилари ўз маҳоратларини намойиш этиш [10] орқали аскарларга руҳий қувват бағишлиашга бел боғладилар. Ўзбек ёзувчилари эса адабий асарлар учун даврнинг ўткинчи мавзуси ва ўткинчи қаҳрамонлари эмас, балки ҳалқ хотирасидан мустаҳкам ўрин олган тарихий воқеалар ва тарихий шахсларга мурожаат этдилар. Бу ҳақиқатни теран ҳис қилган ёзувчилар шу йилларда ҳалқнинг тарихий ўтмишига мурожаат этиб, курашаётган ҳалқнинг руҳига руҳ, ғайратига ғайрат, шижоатига шижоат қўшувчи тарихий шахсларни ўз асарлари учун қаҳрамон қилиб олдилар. Уйғун ва Иззат Султон «Алишер Навоий», Ҳамид Олимjon «Муқанна», Мақсуд Шайхзода «Жалолиддин Мангуберди», Ойбек эса «Маҳмуд Торобий» драмаларида [11,7] ўзбек ҳалқига хос бўлган мардлик ва жасорат тимсолларини бадиий гавдалантирилар. Умуман, ватанпарварлик мавзуси кино ва театр санъатида асосий мавзу бўлиб қолди [12]. Ўзбек кинематографияси ходимлари уруш йилларида қисқа метражли фильмлар туркумини – киноновеллалар, кинохикоялар, очерклар, сатирик саҳначалар, шунингдек, фронтдаги жангчилар учун «Фронтдаги дўстлар», «Ватан армуғони», «Фронтга концепт» сингари маҳсус фильм-концептлар яратдилар. Кино журнallар саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, ирригация соҳаси меҳнаткашларининг ишини, фан ва маданият, санъат ходимлари фаолиятини акс эттириди. Ўзбекистон жангчиларининг уруш фронтларидаги қаҳрамонона жасоратлари ҳикоя қилинди. Шунингдек, уруш йиллари Тошкентда суратга олинган М.Роммнинг «217-рақамли одам», Л.Луковнинг «Икки жангчи», Тошкентда экранлаштирилган «Александр Пархоменко», [13] А.Зархиннинг «Уни Сухэ-Батор дейдилар» фильмлари фронтдаги дўстлик, ҳалқнинг мафкуравий, ахлоқий бирдамлиги ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар бўлиб қолди.

Кинонинг ташвиқотчиликдаги роли оширилиши билан 1946 йилдан мамлакатда кино санъатини янада кенгайтириш йўллари

очиб берилди. Ўзбекистон КП МҚ Х съездидаги ҳам партия ва совет ташкилотларига ўз манфаатини кўзлаган ҳолда, кинотеатрлар сонини янада ошириш вазифаси юкланди. Натижада урушдан кейинги беш йилликда кинотеатрлар сони урушдан аввалигига нисбатан 22,4 фоизга ошиди. 1948 йилнинг ўзида 101 та кўшимча кино қурилмаси, 43 та кўчма кино ташкил этилди. Республиkaning кўп жойларида овозли кинолар намойиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон ССРда кинофильмлар намойиш этилувчи жойлар сонини ошириш, янги кинотеатрлар қуриш, автомашина ва киноаппаратлари сотиб олиш кўзда тутилди. Қишлоқ жойларда кино хизматини яхшилаш учун жойларга, хусусан, янги ўзлаштирилаётган ерларга 2 тадан киноаппарати ўрнатилган 20 тадан ортиқ автомашиналар юборилди. Бу вазифалар 1949 йилда мамлакатга камида 2 миллион тонна пахта етказиб беришлари учун колхозчиларга ёрдам, маданий ҳордиқ сифатида олиб борилди [14]. Айни пайтда Тошкент киностудияси «Пахтани ўтдан сақла» номли киноочерк ҳам чиқарди. Ўзбекистон кинематография вазирлиги 1949-1952 йиллар учун уч йиллик режа ишлаб чиқди. Бу режага мувофиқ Ўзбекистон ҳаётининг энг муҳим кунларига бағишилаб камида 3 та фильм ишлаб чиқариш режалаштирилганди. Бу фильмларда янги ерларнинг ўзлаштирилиши, Фарҳод ГЭС қурилишлари акс этиши керак эди [14].

Ўзбекистонда кино санъати ривожланишида Республика раҳбари У.Юсуповнинг хизматлари борлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу йилларда ўзбек кино усталари республиканинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳаётини хужжатли фильмларда муфассал тасвиirlаб бордилар.

Уруш йилларида мамлакатнинг ғарбий районларидан кўчирилган 30 дан ортиқ театр жамоалари, эстрада ансамбллари, мусиқа ўқув юртлари Ўзбекистонга кўчирилди. Хусусан, Москва инқилоб театри, Ленин комсомоли номидаги Москва театри, Москва давлат яҳудийлар театри, Иван Франко номидаги Киев академик театри, Харьков рус опера театри шулар жумласидандир. Бу жамоаларнинг Ўзбекистондаги фаолияти республика колхоз ва совхозлари, ўқув муассасалари ва ташкилотлардаги бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг ишини

ривожлантиришга катта ҳисса бўлиб қўшилган эди [15, 93].

Театр соҳаси мафкура фронтида ташвиқот ва тарғибот қуролига айланиб борди [16]. Ўзбекистондаги театр тараққиётини рус маданияти билан боғлаш мақсадида, ўзбек ва рус театрларининг ўзаро муносабатлари масаласи, «Октябрь инқилоби»нинг миллий театрлар ҳаётидаги «улуғ» ролини мадҳ этиб, миллийлик руҳини инкор этувчи асарлар яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, кино, театр соҳасида октябрь давлат тўнтаришидан

кеинин юзага келган воқелик шуни тақозо этдики, шу даврга қадар мавжуд бўлган асарлар эскирган ва «инқилобий» ҳаётдан узоқ деб талқин қилинди. Замонавий «инқилобий» рух билан суғорилган асарлар кучайиши борасидаги коммунистик партия талаблари ҳам ошиб борди. Бу вақтда ўзбек адабиётига инқилобий ғоялар кириб, даврнинг «илфор» кишилари бўлмиш «коммунист» лар образини яратиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Адабиётлар:

1. Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами. 31-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1977.
2. Ишанходжаева З.Р. Репрессивная политика советской власти и культуры Узбекистана: трагедия выживания (1925-1953). –Т.: Tafakkur, 2011.
3. Новейшая история Отечества. XX век. Учебник для вузов. В двух томах. Том 2. – М.: ВЛАДОС, 1999.
4. Мустафаева Н.А. Мустамлака ва совет даври тарихшунослигида Ўзбекистоннинг XX аср маданияти. Тарих фан. докт. ... дис. – Т., 2016.
5. ЎзРМДА. Р-25-фонд, 1-рўйхат, 215-йигма жилд, 51-варақ.
6. Узбекский советский театр. Книга первая. –Т.: Фан, 1966.
7. Музикали драма ривож топсин // Совет Ўзбекистони санъати. – 1980. – № 7.
8. Цюзь О.В. Поиск «большого стиля» в искусстве сталинской эпохи (середина 1930 – начало 1950-х гг.). Дисс. ... канд. ист. наук. – М., 2014
9. Акбаров Ҳ.И. Сеҳрли ёғду. – Т.: Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
10. Қизил Ўзбекистон. – 1943 йил 11май.
11. Жўраев Ф. Ярим асрлик йўл // Совет Ўзбекистони санъати. – 1979. – № 12
12. Ильин А. Ўзбекистоннинг илфор санъаткорлари фронтга // Қизил Ўзбекистон. – 1942 йил 18 нояб.
13. Қизил Ўзбекистон. – 1942 йил, 6 август.
14. Калонов З. Мехнаткашларга кино хизматини янада кучайтирайлик // Қизил Ўзбекистон. – 1949 йил, 9 июль.
15. ЎзРМДА. Ф-2081, 1-рўйхат, 108-йигма жилд, 93-варақ.
16. Фуломов Р. Санъат ходимлари ўртасида мафкуравий ишларни кучайтирайлик // Қизил Ўзбекистон. – 1947 йил 14 декабрь.

(Тақризчи: М.Исомиддинов - тарих фанлари доктори, профессор).